

ТАСДИҚЛАЙМАН
“Uzbekistan Airways” АЖ
Бошқарув раиси

Ш. Худайкулов

2024 йил “20” август.

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви
йигилишининг
БАЁНИ

2024 йил “20” август

24-сон

Ташкент ш.

Раислик қилувчи: Худайкулов Ш.Ш. – “Uzbekistan Airways” АЖ раиси

Иштирок “Uzbekistan Airways” АЖ раиси ўринбосарлари,
этганлар: бошқарма ва бўлим бошлиқлари
Таклиф Абидов А.Д. - Вазирлар Маҳкамаси ходими
этилганлар:
Мажлис ўтказиш “Uzbekistan Airways” АЖ марказий аппарати Тошкент
жойи ш., А. Темур шоҳкӯчаси, 41-уй, конференциялар зали.

Ҳайъат мажлиси раиси кун тартибини мухокамага қўйди ва Ҳайъат аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

**“Uzbekistan Airways” АЖ бошқарувининг 2024 йил 2 ярим йилликка
мўлжалланган иш режасини кўриб чиқиши тўғрисида**

(Худайкулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Уралов, Икрамов, Худайкулов)

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамият бошқарув раиси **Ш. Худайкулов** сўзга чиқиб, жорий йилда Жамият олдига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришин мақсадида тизимли ишлар олиб борилиши лозимлигини ва бунда Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича белгиланган кўрсаткичлардан тегишли хulosалар қилиниши кераклигини таъкидлади. 2024 йил якунларига кўра Жамият томонидан куйидаги кўрсаткичларга эришилиши белгиланган:

1. Жамият даромадларини 25 фоизга, авиақатновлар сонини 15 фоизга, йўловчи ва юк ташиш ҳажмларини 20 фоизга ошириш.

Бунда тегишли бўлинмалар томонидан бир қатор ишлар бажарилиши белгилаб олинди. Хусусан:

- янги ички ва халқаро авиайўналишларни очиш ҳамда мавжуд авиайўналишларда йиллик авиақатновлар сонини 32,3 мингдан 37,3 мингтага (15 фоизга) ошириш;

- йўловчи ташиш ҳажмини 5,0 млн йўловчидан 6,0 млн йўловчига етказиш;

- юқ ташиш ҳажмини 48,5 минг тоннадан 58,4 минг тоннага етказиш;

- Жамиятнинг йиллик даромадини 4,0 трлн сўмга ошириш.

2. Ҳаво кемалари паркини кенгайтириш.

3. Жамият томонидан кўрсатиладиган авиаҳизматларга аутсорсинг асосида хусусий секторни жалб қилиш ишларини таҳлил қилиш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиши.

Шу билан биргаликда, Жамият томонидан бажарилиши белгиланган Ҳукумат топшириқларини ўз вақтида сифатли таъминлаш мақсадида устувор вазифалар белгилаб олинди. Шу жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 ноябрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаро ҳаво кемалари билан содир бўлган авиация ҳодисаларини Ўзбекистон Республикасида текшириш қоидаларига авиация ҳодисаларини текшириш жараёнини фуқаро авиацияси халқаро стандартларига мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш борасида ўрганишлар олиб бориш ва таклифлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, Шахрисабз ва Сариосиё аэропортларининг инфратузилмаларини ҳаво кемалари ва йўловчиларни қабул қилишга тайёрлаш ҳамда авиақатновларни амалга ошириш борасида вазифалар белгиланди.

Бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала юзасидан куйидагилар қарор қабул қилиш учун **овозга қўйилди**:

1. “Uzbekistan airways” АЖнинг 2024 йил II ярим йилликка мўлжалланган иш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Уралов, Икрамов, Ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бўлими бошлиғи У.Заиров:

“Uzbekistan airways” АЖнинг 2024 йил II ярим йилликка мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини шахсан ўз назоратига олсинлар, уларни ўз вақтида самарали бажариш бўйича тезкор чоратадбирларни амалга ошириб борсинлар;

топшириқларни муентазам равишда Жамият бошқаруви йиғилишларида ва ҳар ойнинг 4-санасига қадар Иш режаси ижроси тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминлансан.

3. Мазкур баённома ижросини мониторинг қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Кун тартибидаги масала юзасидан овоз бериш натижалари:

ёқлаб - 6-та овоз (бир овоздан: Худайқулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Уралов, Икрамов,), қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан қарор қилинди:

1. “Uzbekistan airways” АЖнинг 2024 йил II ярим йилликка мўлжалланган иш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Уралов, Икрамов, Ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бўлими бошлиги У.Заиров:

“Uzbekistan airways” АЖнинг 2024 йил II ярим йилликка мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини шахсан ўз назоратига олсинлар, уларни ўз вақтида самарали бажариш бўйича тезкор чоратадбирларни амалга ошириб борсинлар;

топшириқларни мунтазам равишда Жамият бошқаруви йиғилишларида ва ҳар ойнинг 4-санасига қадар Иш режаси ижроси тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминлансин.


3. Мазкур баённома ижросини мониторинг қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Мажлис котиби

С. Турсунова

Бошқарув аъзолари:

У.А.Хусанов




Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари в.в.б.

А.А.Саттаров



Бошқарув раисининг трансформация, молиявий ва рақамлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари в.в.б.

Ш.Ш.Ядгаров



Бошқарув раисининг тижорат ва туризм бўйича ўринбосари в.в.б.

С.Р.Уралов



Бошқарув раисининг режим ва авиация хавсизлиги бўйича ўринбосари

Ш.И.Икрамов



Бошқарув раисининг парвоз ишларини ташкил этиш бўйича ўринбосари в.в.б.